халқ эҳтиёжига жуда зарур эканлигини ҳис этишмоқда. — Бригадамиз аъзоларини меҳнатсеварлар десам англашмайман, — дейди жамоа сардори М. Палътис. Ёшу қарн вазиятини тўғри тушуниб етиш билан бирга фаол ва ақил меҳнат қилишга интиладилар. Уларнинг бу тиришқоқликларидан чарқок нима эканлигини сезмай қолмай. Гоҳи иш вақти тугалланган бўлсада эртанги кун учун ҳам қўшимча иш қилиб кетамиз. Гўлзада МАМБЕТОВА.

СУРАТЛАРДА: 6-цех меҳнат жамоаси фаолиятини лавҳалар. Усмои Усмонов суратлари.



Меҳнатини — зийнатини Уч дугона

АЁЛ бор уйнинг файзи бўлакча бўлади. Улар меҳнат қиладиган ишхоналар ҳам саранжом-саранжом бўлади. «Малина» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳодимисига қадам қўйган киши бунинг гувоҳи бўлади. Ҳовли саҳнини ёғ тушса, ялагудек қилиб тозалаб қўйиб фаррошдан тортиб хом ашёдан чиройли кечакларгача тикиб бераётган хотин-қизларга тасаннолар айтиш керак.

Айланма-тўқув цехининг моҳир ишчиларидан, 28 йилдан буён меҳнат қилаётган тўқувчи Холдида Абдуллаева, 25 йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган Инобат Нурмухамедова ва 24 йилдан бери ишлаётган Соғина Яғудиналар ана шундай фидойилардан. Икки фарзанди турмуш ўрғинининг вафотидан сўнг ҳам ота, ҳам она бўлиб воғла етказиш учун инсоғна қанча бардош ва ирода келарлигини бир тасаввур қилиш қийин. Холдида опани ана шундай темир иродали аёл десак ҳеч муволаба бўлмас. Она бир ўғил ва бир қизини тарбиялади, воғла етказди. Қиз узатиб, набирилик бўлди. Уй юмушлари, рўзгор ташвишларидан ортиб яна давлат ишини ҳам ўрнига қўйди. Режаларни вақтида бажариб, ёшларга намунали ўрнак бўлди. Жамиятга фойда келтирадиган бир қанча шогирдлар тайёрлади. Натيجода катта хурмат-эътиборга эга бўлди.

Тақдирнинг тақозоси билан кўп хислатлари Холдида опага ўхшаб кетмаган Инобат опани ҳам ишчилар жуда ҳурмат қилади. Ойлик ва йиллик иш режаларини вақтида виджондан бажариб келаяпти. У ўз жамоасига ёруғ юз билан боқадиган ишчилардандир.

Қўзларининг оқукураси ёлғизгина фарзандини жаиянат учун керакли етук инсон қилиб тарбиялади. Ўғил ҳарбий хизматдан кайтган. Она ҳадемай келди қўрадиған. Ҳан ҳам ҳали ёш кўринади.

Тўқувчи аёлларининг яна бири — Соғина ҳам кўнчили танийди. Расми бир неча йилдан бери ҳурмат тахтасидан тўшмай келаятган бу аёл айланма-тўқув дастгоҳларининг миридан-сиригача яхши биладиган ишчилардан. Жуда мураккаб, айни вақтда тўқиб чиқарган матолари кишига завқ берадиган Олмониянинг «Овернить» дастгоҳини ҳам у жуда маҳорат билан бошқаради. Афсуски, айрим сабабларга кўра бу дастгоҳлар бугунги кунда бекор турибди.

Лекин бу тўқувчи дастгоҳларнинг фарқи йўқ. Қайси турдаги устуна тўғри келса шундай ишлабверди. Бир неча йиллардан буён ўш ишлаётган бригаданинг бошлиғи. Унинг жонбозлиги тўғрисида бирон ойда жамоа режаси бажарилмай қолмайди. Уларнинг тўқиб чиқараётган маҳсулотларининг сифати ҳам аъло даражада. Чунки жамоа аъзоларининг лоқайд аҳолига тушишига ҳеч қачон йўл қўймайди. Ойлик ва бошқа мукофотлар ҳам шунга яраша. Шунинг учун тўқувчилар ҳам, уста соловчилар ҳам унинг ишларидан хурсанд.

Бу уч тўқувчи деярли тенгдош. Уч дугона ҳаммаша бирга ишлайдилар. Уларнинг қувончлари ҳам, ташвишлари ҳам бирга. Ҳозир бу илгор ишчилардан ёшлар ҳам ўрнак олмақдалар.

Минишвар ВОСИТХОНОВА.

«ОДОБОНОМА»

ОДАМЗОД ақлини таниб-дони, фарзандлар камолоти, уларнинг одоб тўғрисида қайғури. Бинобарин, инсон тафаккури, одоб ва тили уни юксак мақога мушарраф этади. VI—VII асрларга мансуб қадимий туркий битиклардан бирида шундай сўзлар бор: Одобли, кўрмас бўлса булун (халқ) эркин бўлади. Демак, одобни боболаримиз қадимдан ноқил эркинликнинг муҳим бир бўлаги деб билганлар. Ҳазрати Алишер Навоий одоб ҳақида шундай эганди:

Айш, Навоий, неча диққашдурур,
Лек адаб бирла ҳаё хушдурур;
Ҳаёву адаб бирла туғилди маош.
Яна айла таъзим хурматни фоти!
Книшларнинг хушхулиги тўғрисида кўп куйинган ана шу мўътабар зотнинг тарбия, хуусан одоб тарбияси ҳақидаги қарашлари унинг қатор асарларида ўз аксини топган.
Таассуфни, узоқ йиллар давомида миллий ўзбек мактаблари ишда миллий заминда, халқ тарихи, маданияти, миллий урф-одатларидан айрилиқ ҳукми сурди. Таълим-тарбияда халқ педагогикасининг илгор ғояларига тўғри ёндошилмади. Шунинг эсадан чиқарилганмики керакки, ўзбек халқ озаки ижодидаги барча жанрларда ота-буваларимизнинг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари мужассамдир. Тўғри, ўзбек педагогикаси

бугунги кунда халқ ижодидаги тарбиявий қарашларини илмий ўрганиш юзасидан салмоқли тадқиқотларга эга. Бироқ олимлар томонидан исботланган халқ педагогикаси гоялари амалий педагогикага сингдирилгани йўқ. Тадқиқотларда мунозарали жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Илмий ишлар учун тилланган мавзуларда озаки ижоднинг маълум бир бўлини.

қўлланмаларини ҳам асоссиз инкор қилвердик. XX аср бошларида Туркистонда бошланғич мактаблар учун тузилган қироат китоблари ахлоқ илмидан иборат бўлиб, алоҳида фан сифатида ўқитилган. Аммо буларнинг барчаси социализм даврида рад қилинди. Қўрьон ва ундан кейин туралдан Ҳадислар тўғрисида гапирманса ҳам бўлади. Лекин бари-

хусусида матбуотда, илмий йиғилишларда кўп гапирилмоқда. Тўғри, «Одобнома» дарслиги керак. Чунки, биз адабни, яъни одоб таълимнинг улдасидан чиқа олмайди. Аслида адабнинг ўзи одобнома эмасми? «Одобнома» дарслигини кимдир ёзиши шарт эмас. Негаки ундай дарслиқлар аллаҳақаллар ёзиб қўйилган. Бутун дунё олимлари диққат асар деб эътироф қилган XI асрнинг энг улкан адабий обидаси «Қутадғу билиг» «Одобнома» эмасми? «Қомуснома»-чи? «Одобнома»нинг олтин дарслиги бу Қўрьондир. Ундан кейин Ҳадислар асосида ҳам «Одобнома» дарслигини яратиш мумкин. Ахир бутун ислом дунёсида энг нуфузли ноиблар деб тан олинган олтин ишончли Ҳадислар тўпламининг муаллифлари ҳам юртдошларимиз бўлишган. Улар: Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил Ал Бухорий, Имом Муслим ибн ал Ҳажжож, Абу Исо Муҳаммад Ибн Исо Ат — Термизий, Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний, Имом Аҳмад Ан-Насоий, Имом Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Яъид ибн Можажа ва б.б. улар қолдирган муънавий маънавий меросдан бугунги авлодлар бешаҳра.

Умуман одоб қондалари кўп. Унинг барча булакларини «Одобнома»га сингдириш шарт. Қўрьон ва Ҳадислар шу мазмунида энг ноёб манбалар дурсидир.
Муҳаммад АҲМАД.

ЭРКИНЛИКНИНГ МУҲИМ БЎЛАГИ

Меҳнат ёки ахлоқий, эстетик томонлари ўрганилган (яъни эртанлар асосида эстетик руҳда тарбиялаш ва шунга ўқаш). Лекин энг муҳими ўзбек халқ озаки ижодида таълим-тарбияда фойдаланишнинг мукамал назарий асосларини ишлаб чиқиш мавзусида халқимизда дурустроқ иш қилинган эмас. Шунинг учун амалдаги мактаб дарсликлариди халқ озаки ижодини ўрганиш тартиби гайри илмийдир. Яъни у таълимнинг дидактик талабларига эид. Бунинг устига узоқ йиллар бобоқалонларимиз яратган ва амал қилган дарслик ва

бир ҳақиқат қарор топаёттир. Биз яратганларимиз қилиб, нимани инкор қилган бўлсак, бугун унга қайта муҳокамат қилишга мажбуримиз. Буюқ бобомиз Алишер Навоий бежиз айтмаган.
Книшлик будирким, укувсанг ани, Чу таркии айласанг, тарк этгай саяи.
Бу дегани — сен нималарнидир асоссиз инкор этсанг, ўз навбатида келажак ҳам сени инкор этади. Бугунда одоб хуусан мактаблар учун муъжалланган «Одобнома» дарсликлари

КАТТА тош йул четиди эр

уватида азамат бир ёндоқ дарахти шохлари тарвақайлаб ўсиб ётаркан. Ёндоқ дарахти ёмғир, қорларда, иссиқ кунларда ҳам дадил турар, меваларидан кишилар баҳраманда бўлганда шод экан. Лекин... унинг хаёли ўзини экиб, парварши қилган аввалги эгасида. Уни кўргиси келиб узоқ-узоқларга буй чўзиб қараркан. Турли кийимдаги кишилар, ёш-қари кимсалар, болалар унинг атрофида, ёнида пайдо бўларкан, лекин экиб ўстирган кишидан дарак бўлмас экан. Кунлардан бир кун унинг ёнига соқолига оқ оралаган, ўрта бўли майин боқишли бир киши келибди. Дарахта муҳаббат ва ғурур билан анча вақт термулоб турибди. Меҳр билан унинг гади-буди-р таънасини, шохларини сийлабди.

Ёндоқ дарахти силкиниб тебраниб кетибди. Барглари тўлқин урибди. Дарахта пастга, у кишига томон бош эгиб қарагандай бўлибди ва таниб қолибди: «Мени экиб ўстирган эгам!»
— Салом, салом! Отаҳон, салом! Саломатгина бормисиз? Қайларда қолиб кетдингиз! Мени унутдингизми деб ўйловдим...
Чодининг исми Тожибой экан. У кўзларида кувонч ёшлари ярираб ёндоқ дарахтига боқибди:

— Сени унутиб бўладими азамат ёндоқ дарахти! Сен билан ёшлик хотираларим, ёшлик ҳаётим боғланган. Сен юрагимнинг бир парчасисан.
Книш ўзининг олис шаҳарга келиб, уша ерда ишлаб қолганини, мана энди яна бу мева дарахтини излаб, атайин кўргани келганини сўзлабди. Шу кундан бошлаб ёндоқ дарахти яна ҳам руҳлилаб ёшириб кетибди. Одам ҳам яширибди.

Барча жондорлар ҳам ўз эгаларини, дўстларини доим дилларида яқин олишлари, йиллар ўтсада унутмасликлари ҳақидаги таъсирли киссалари жуда кўп. Лекин қанча ақли-фаросатга эга бўлатуриб ўз тарбиячиларини, яқинларини унутадиган одам болаларининг учраб туриши ҳайрон қоларди, қизлаган бир ҳодиса! Мана шу ҳақда, ўз ўқитувчинини танишини хоҳламаган ўқувчи ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

Олис шаҳарда қари бир ўқитувчи яшарди. А в а л л а р и у бошқа шаҳарда ўқитувчилик қилса ҳам кейин шу шаҳарга келиб қариндошлари ёнида қолиб кетган эди. У ўқувчиларини билгани қилиш учун куч-ғайратини, умрини аймаган. «Улар менинг умрини ва ишмин давом

«ИХТИЛАМ»

«Ихтилам» — бу ҳақиқат қарор топаёттир. Биз яратганларимиз қилиб, нимани инкор қилган бўлсак, бугун унга қайта муҳокамат қилишга мажбуримиз. Буюқ бобомиз Алишер Навоий бежиз айтмаган.
Книшлик будирким, укувсанг ани, Чу таркии айласанг, тарк этгай саяи.
Бу дегани — сен нималарнидир асоссиз инкор этсанг, ўз навбатида келажак ҳам сени инкор этади. Бугунда одоб хуусан мактаблар учун муъжалланган «Одобнома» дарсликлари

БИРИДАН РАНЖИБ, БИРИДАН СУЮНИБ...

чи. Ҳар кимда ҳам ҳаётда қийинчиликлар учраши мумкин. Ўқитувчи бир кун ўқувчиларини сайрга олиб чиққанида Тошўлатнинг қилиқдан тез оқар сой сувига йиқилиб тушганини, уни қандай қийинлик билан қўшиқдан кутқариб қола олганини ўйлабди. Деҳқон ўзи эккан ёндоқ дарахтининг қўмасганидай ўқитувчи уша талабаси Тошўлатни қўриш умидида йўлга чиқибди. Поезд билан ўша шаҳарга бориб тушиб Тошўлатни қийнаб берибди. Икки қаватли бинодан чиқиб энгил машина сари бора бошлаган биров унга яқин танишдай сезилибди. Юраги дукурлаб ура бошлабди. Яқинроқ бориб қарабди.
— Янгилишмасам...

Машина томон бораётган панака, бурин пачақ, жуда яқин кийинган кимса ўқитувчига совуқ назар ташлабди-да, тилар-тиламас қўл ундагина аранг сурашган бўлибди:
Турғубой ҒОЯНПОВ.



Раҳбар ая Иби Сино даҳасидаги 18-уйда истиқомат қилмайдилар. Ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган бу онахонинг бўш вақти кўп. Шу бонс ўз атрофида невараларини йиғиб, уларга болалиги ҳақида гапириб беради. Шунингдек, қадимий қўшиқлар ва рақслардан ўргатади.
СУРАТДА: Раҳбар ая Қайюмова неваралари давраида.
Раъиль Альбеков сурати.

* Ҳикмат—бир ҳовуч олтин

ПЕШОНА ТЕР ҚИЛҒАЙ СЕНИ МАРД

- Орзу, тилак йўли меҳнат тағида, Ҳазинанинг мўли меҳнат тағида.
Абу Шўқур БАЛҲИЙ.
- Меҳнат тағидадир, эй оқил, ҳар ганж, Ганж топмас ҳеч кимса тортмас эса ранж.
Абдулқосим ФИРДАВСИЙ.
- Жаҳоннинг шодлигини боиси деҳқон, Унинг бирла экинзор боғу бўстон. Бу ишдин яқин оламда не бордир, Одам наслига бу иш ёдгордир.
Носир ХИСРАВ.
- Ев Рустам бўлса ҳам бўйининги эгма, Миннат чекма дўстинг бўлса Хотам Той.
Умар ҲАЙЕМ.
- Ким машаққат чекди — тоғди газна ҳам, Ким тиришқоқ бўлди — кўп топди қарам.
Жалолиддин РУМИЙ.
- Чин азму ҳаракат қилмай муттасил, Ҳеч кимса муроди бўлмади ҳосил. Ҳеч манғай теридан нон еган киши Хотам миннатидан озод ёз-киши.
Ҳалол ишла, мардларча айшининг сур. Ишламайин еган, бил, номард эрур.
Сайяд ШЕЗОЙ.
- Ҳалол ишлаб топсанг гар эрпа донин —

Яқшидир егандан биров оқ нонин. Ким меҳнат-ла қадам қўйди тоғ-чўлга, Ҳазина калитин киритур қўлга. Таъмадин доимо бўлғай юзинг зард, Фақат пешона тер қилғай сени мард.
Хурав ДЕХЛАВИЙ.
○ Одам ҳеч тоблманс қилмас сафар, Тиришмаган киши топмайди зафар.
Руқийаддин АВҲАДИЙ.
○ Талабсиз ким топар мақсуд гавҳарин, Интилиб топ ҳаёт ҳазиналарин.
Камол ХУЖАНДИЙ.
○ Ҳу меҳнатинг бўлсин доим йўлдошинг, Ҳуға миннатидан оғримга бошинг.
Абдурахмон ЖОМИЙ.
○ Бир дирам олмақ чекибон дастранж, Яқшироқ андинки биров берса ганж.
Алишер НАВОИЙ.
○ Ҳар тирк жон агар қилса қаракат, Қаракатга қараб топар баркват.
Камолддин БИНОИЙ.
○ Создан овоз чиқмас тегмас мизроб, Инга дур терилмас берилмас тоб.
Абдуқодир БЕДИЛ.
Нашрга тайёрловчи:
Шошлом ШОМУҲАМЕДОВ,
Халқаро Фирдавсий мукофоти соҳиб, профессор.

«ҚЎШНИ, ЮРИНГ ЧОЙХОНАГА!»



ДАМ олиш ва байрам кунлари чойхонага чиқиб, бир пиёла чай устида ёриборлар билан суҳбатлашиш одатим бор.
Улуғ Ватан уруши йилларида жамоа ҳўжалигимизга раҳбарлик қилган Нўъмон ота билан чойхонада тез-тез гурунлашиб тураман. Энг муҳими, ҳар борганимда бу табарруқ зотнинг тилога тенг иборатли сўзларини тинглаб, кўнглим тоғдек кўтарилгани ҳолда маънавий озуқа олиб қайтаман. Шунинг учун бўлса керак, бу сафар ҳам нуруний қариянинг ҳикмати гапларини кўмсаб, чойхонага йўл олдим.
Улуғ айём — Наврўз кунда тўқсон ёшни қоралаган Нўъмон ота қаровсиз қолиб кетган мана шу чойхонанинг тартиб келтириб, атрофини гулзорга айлантирганининг гувоҳиман.
— Отангичку кўрмаганман. Аммо амакин хўп ажойиб инсон эди-да, раҳматли. Шундай кишиларни йўқламай бўладими?! Ишқилиб, умрларинг узоқ бўлсин, — ота зотига фотиҳа тортиди. — Биз энди қаридик. Чойхонага келиб кўнглимни кўтариб кетаманда. Омон бўлинглар.
Шундан сўнг ота «Ҳадис»дан намуналар ўқиб, биз ёшларга насихатлар қилдилар.
Бавзи ёшларимизга ҳайрон бўламан. На ота-онани, на муаллимларини, на катталарини ҳурмат қилмадилар. Аксарини меҳнатдан бўйин товланди. Ёнгили ёнида ҳаётга ўрганишган. Биз уларнинг ёнида ишлаб чарчас нимагинини билмасдик. Ҳозирги ёшлар чойхонага дам олиш, ҳордиқ чинариш учун эмас, аксинча карта ўйнаш, машақт қилиш учун келишди. Илгари чойхоналар ўзаро фикр алмашини, ингиликлардан хабардор қилинадиган ташиқот-тарғибот маркази бўлган. Эсимда, ҳозирги чойхонамиз ўрни «Буюқ ипак йўли»нинг

қарвонсаройи эди. Савдогарлар бу ерда дам олиб, молларини сотиб кетишарди. Дор ўйли, кураш, Наврўз байрамлари, ҳўсил байрами дейсизми ҳаммаси чойхонада ўтказиларди. Кўпни қариялар, ўқинишда кишилар кўрган билганларини ҳордиқ чинарувчиларга айтиб берардилар.
Ҳа. Нўъмон ота Абдурахмонов ҳақ гапни айтди. Аввалларда чойхоналар чиндан ҳам ёшлар учун одоб мактаби бўлган. Улар қариялардан ва кўпни билганлардан ахлоқ, одобдан сабоқ олардилар. Тўрт-беш киши бир бўлишиб ош, дилмама, қозон каюб каниб танисқ таомлар тайёрлаб, ҳордиқ қиларди кетишарди. Ҳозир чойхоналарнинг аксарияти пул ишлаш манбага айлантириб юборилди.
Нега ҳозир қўшпчилик чойхонага қиймай қўйди? Балки ҳамма ўз ташвиши билан ўралашиб қолиб, қўни-қўшилар ва таниш-билишлар билан бир пиёла чай устида гурунлашишга вақт топа олмаётгандир?! Йўқ, аввалар, «Бола-чакам тинч бўлса шунинг ўзи катта бахт. Бошқалар билан нима ишим бор!» деганига қаттиқ ингилишасиз. Уянгинида диққатнафас бўлиб ўтирмасдан чойхонага чиқиб, маҳаллада бўлаётган турли тадбирларда қатнашиб туринг. Тони маҳалла-қўй, эл-ўрт сизни танисин. Ана шундангина маҳалланинг ҳақиқий аъзосига айланасиз.
Мен ҳар кун кечки пайт бир ўзим ёки бўлмаса қўшпчиларимдан биронтасига «Қўшни, юринг чойхонага!» дейман, да, маҳалламиз оромгоҳига йўл оламан ва артаалаб руҳим тетик, бардам бўлгани ҳолда мактабга, ўқувчиларим истиқболда ошманман.
Қидирбой ТўЛАБОВЕВ,
ўқитувчи.

* Халқ ижоди дурдоналари

КЕЛИН САЛОМ

○ **МУХТАРАМА** волидам Кумрихон Шертай қиз шортебат авл. У кўп йиллардан бери шөрлар битиб, уларни қўшиқ қилиб қўйлаб келарди. Айниқса онажоним томонидан нинхоқ тўйларда ижро этилиб келинган «Келин салом» қўшиғи кўпчиликни манзур бўлмоқда. Мен бу қўшиқни онажоним тилларидан ёзиб олиб, сиз ваиз муштарийлар ҳўкимига ҳавола қиламан.
Уртага тилам ташладим, Салоимларин бошладим. Ассалом, келин салом, Ҳаммаварингизга салом. Ерга қовун эктирган, Ички ҳўрин бир қилган. Ассалом, келин салом, Қайноҳасига салом. Ҳарир рўмоқ харидорин, Хотинларинг сардорин
Ассалом, келин салом Қайноҳасига салом. Ошдан чиққан янгиликдан Қалин кўз пилиндинг Ассалом, келин салом Сингилларига салом. Меҳмон нақса хўш деган Меҳмонхона бўш деган Ассалом, келин салом Овсинларига салом.
Латифжон МАНСУРОВ.

МАЪРИФАТЧИЛАР АНЖУМАНИ

ТОШКЕНТДА «Ўзбекистон Республикаси педагогика олий ўқув юртияларида мактаб ва педагогика тарихини ўқитишни тақомиллаштириш йўллари» мавзусида республика анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимни вазирлиги, Низомиёй номдадаги Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи, Самарқанд, Нукус, Кўкўн ҳамда Термиз муаллимлик олийгоҳларидан вакиллари иштирок этишди.
Икки кун давом этган йиғилишда педагогика тарихининг ўқув предмети сифатида ўрганилишидаги муаммолар ва уларнинг ҳал этиш йўллари ҳақида Ўзбекистон Педагогика жамияти раиси, Низомиёй номдадаги Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлаш олийгоҳининг умумий педагогика кафедраси мудири, профессор В. Мирааҳмедов, Ўзбек халқ таълимни қарашларини таъдир эттиш муаммолари юзасидан педагогика фанлари доктори, профессор А. Зунитов педагогика олий ўқув юртияларида мактаб ва педагогика тарихи курсининг методология асослари мавзусида педагогика фанлари доктори, профессор Х. Тиллаев ва бошқалар сўзга чиқибди. Айниқса «Инқилобга чад бўлган Туркистонда содирхонлик масаласига доир тарих фанлари доктори профессор Л. Ким, «Аллоҳнинг Бехудуд», Минавар Нори, Шайхрий каби маърифатчиларнинг мактаб тарихидаги таърифи мавзусида филология фанлари доктори профессор В. Қосимовларнинг матбуотлари мароқ билан тингилди.
Анжуман сўнггида йиғилинган фикр-мулоҳазаларнинг муҳоамаси бўйича тавсиялар қабул қилинди.
Нозира АБДИРИМОВА.

* Ихчам тақриз

ЕТУКЛИККА ЭЛТУВЧИ ҲАМРОҲ

ҲОЗИРГИ кунда ҳар биримиздан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ масъулият ва жавобгарлик талаб этиляпти. Ўзбекистоннинг мустиқ давлатга айланиши халқро миқёсда ҳам, ички исийси, иқтисодий маданий соҳаларда ҳам жуз кўпмак муаммоларни ҳал этишга чорламоқда. Ушбу муаммоларга муваффақиятли ечим излаш етук мутажассисларга боғлиқдир. Буларга мутажассислар эса бугунги талабалар. Шундан назардан Ҳазрат академиксининг мухбир аъзоси, профессор Мурод Шарифхўжаевнинг яқинда «Ихчам» ринсоласи «Талаба ва ҳаёт» ринсоласида диққатга сазовор бўлган. Ринсолода муаллиф ўзининг қарийб қирқ йиллик меҳнат тажрибаларини умумлаштириб, ўзига ҳоз насихатнома яратган. Унда республикамизнинг бугунги ва келажак ҳаётини учун юқори малакали, ҳозиржавоб, билимдон, тадбиркор, ҳар томонлама етук ходимлар кераклиги қайт этиб ўтилган. Бунинг учун эса замин талабларини даврида яратилди. Энг аввало жинсий соғломлик, ақлий тиранилик, сирқира билим ва маънавий гузаллик унинг асосини ташкил қилди. Худди ана шу муаммолар ринсоланинг бош мавзусини белгилаб берган.
Талабалардан меҳнатсеварлик мевасидан уларнинг ўзлари ҳам, жамият ҳам манфаатдордир. Шу жиҳатдан ринсол муаллифининг ўғитлари ўринли, сабоқ олса арзиғулик аҳамиятга эга. Талабаларнинг маънавий баркамоллигига ҳам алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, фақат софил, покиза, ҳелол, имонли бўлишига мақсад сари етказилиш уқтирилган. Бундан ташқари муаллиф талабаларнинг сабоқ олиши масаласига, уларнинг ўз устлариди ишлашлари, шунингдек, доимий мурола бовида ҳам ҳаётий маслаҳатлар берган. Олий даргоҳ ва жамоат жойларида ўзларини қандай туртишлари ҳақидаги тавсиялар чўқур мушоҳада билан ёзилган.
Ринсола талаба ёшларнинг халқ олдидаги бурчалари нимаелардан иборат бўлиши ҳақидаги лаҳзалар билан яқунланган. Бу ерда ҳам муаллиф масаланинг моҳиятини очар экан, унинг тарбиявий томонига кўпроқ диққат-этиборин қартади.
Умуман, Мурод Шарифхўжаевнинг ушбу ринсоласи муҳим ҳаётий қўлланма бўлиб, нафақат ҳозирги, балки келажак авлод ёшлари учун ҳам ўз нақарин йўлтомаслигини уларнинг доимий ҳамроҳи бўлиши аниқ.
Абдулжидд АБДУРАҲИМОВ.

* Янгиликдан хабарингиз борми?

ИМКОНЯТИ ЙЎҚ БЕМОРЛАРГА

РЕСПУБЛИКА соғлиқни сақлаш вазирлигиди ташаббус билан 2-Тошкент табиот олийгоҳи қошида «Ихтисослаштирилган катта даволаш курси» очилиши алоҳида бир муҳим кузалиш туғдириди. Жамоатчи кўпчиликка олийгоҳ бўлиб масалиялари марказининг ёшли кишилар биринчи тоифадаги турмушуловога мувофиқ қилиб унинг қуйидаги сўзларини ёзиб олд:
— Бўғим, бод-равматим хасталигин ҳозирги пайтда кенг тарқалган дара. Аввалларда бу касаллик билан катта ёшдаги кишилар шикоят қилшарди. Кейинги пайтларда эса ёшлар ўрғасида ҳам урғамолди-да. Қўрсингиз, қўрсингиз, ёш даволашга имконияти йўқ беморлар учун қўлаяр.
Эндиланда улар даволашни учун узоқ муаллаб йўллани куттишмайдилар. Борди, беморнинг аҳоли оғир бўлса, касаллик анкилангунга қелар, эъни 5-10 кун давомида касал хонада ётиб даволаниб... сўнг бизда муолажасини қатнаб давом эттирилди.
Беморларни асосан нинга тарғабсин, гипертония оксигемация, эъни киндордан босим билан даволаш, уқалаш, лазер тарғабсин, ультраоуш вақир аусулларда даволашми. Клиник усуллардан ташқари рентография, гелопараграфия ва буйрақни текширувчи апаратларидан фойдаланилади. Бир кунда 40-50 бемор ана шу йўл билан даволанади. Қўрсончлик шунданки, бизда шикоят топганлардан биронтаси ҳам шикоят билан қайта муҳокамат қилмади. Қўрсананда нин билан даволаш усулини Шарқ табиотининг билимдон, тиббат фанлари номзоди Аширбек Жиянов бово олиб боради. Айниқса, ревалютор Эльнора Жўраева, доцент Феруза Бурқонова, Руниза Латипова, Лолашова Қадирова, ҳамшира Гавҳар Ражабова ва ўз ишларининг моҳир усталиридир.
Карна ТОҶИБОВЕВ.

* Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

**МУҲТАРАМ КОРЧАЛОНЛАР,
ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА
КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!**

**ОМОНАТЛАРИНГИЗНИ ОҚИЛОНА
ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ВАҚТИ КЕЛДИ**

**ОСИЁ
КОНТИНЕНТАЛ**
ХСУ ХАЛҚАРО САВДО УЙИ


**ASIA
CONTINENTAL**
ITH international trade house

"Осиё-Континенталь" Халқаро Савдо уйи акционерлик жамияти ўз фаолиятини бошлаганини маълум қилади. Тошкент экскаватор заводи, Тошкент лак-бўёқ заводи, "Ўзбекхлопкомаш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "VERO" Венгрия-Россия фирмаси, "Изотоп" республикалараро бирлашмаси, округ зобитлар уйи, Ижтимоий ташаббус Урта Осиё ассоциацияси, "Азимкор" хайрия жамияти ва бошқалар "Осиё-континентал"нинг асосий таъсисчиларидир.

Жамиятнинг устав капитали - 100 миллион сўм

"Осиё-Континенталь" Халқаро Савдо Уйи (ХСУ) биржалар системаси ва савдо уйлари воситасида АҚШ (факс: (212) 227-08-68), Англия ((4421) 629-08-05), Швеция ((468) 204-353), Италия ((392) 583-10285), Сингапурда ((65) 225-58-71) ўзининг бош штаб квартираларига эга. Шунингдек, ер шарининг қуйидаги нуқталарида ўз вакилликларига эга:

Тайванда
Гонконг да
Японияда
Хиндистонда
Туркияда
Мексикада
Канадада
Грецияда
Мисрда
Монакода
Олмонияда
Женевада
Австралияда
Жанубий Африкада
Францияда
Таиландда
Бразилияда



in Taiwan: (8862) 751-68-30
in Hongong: (8521) 525-0996
in Iapan: (813) 271-5244
in India: (9111) 645-1638
in Turkey: (901) 155-5064
in Mexiko: (525) 758-6486
in Canada: (1514) 333-7063
in Greece: (3031) 542-403
in Egipt: 345-5138
in Monaco: (3393) 258-993
in Giermany: (49511) 282-664
in Geneva: (4122) 412-354
in Australia: (431) 877-390-030
in South Afrika: (2721) 419-6705
in France: (331) 42-332-673
in Thailand: (662) 241-0653
in Brasil: (011) 289-1554

"Осиё-Континенталь" ўз акцияларини тарқатишни 1992 йилнинг 20 майгача бошлайди. Битта акциянинг номинал баъоси 50.000 сўм ва сиз унинг соҳиби бўлишингиз мумкин. Брокерлик ўринларини харид этиш учун аризалар қабул қилинади. Фақат дастлабки ўн та брокерлик ўринлари имтиёзли баҳода - 750.000 сумдан сотилади. 50 оддий шахсий акцияларнинг соҳиби "Осиё-Континенталь" ХСУ биржасида брокерлик ўрнига бепул эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади.

"Осиё-Континенталь"нинг акциялари инфляция авж олган ҳозирги алғов-далғов даврда капиталингизни жойлаштириш учун энг ишончли воситадир. Чунки "Осиё-Континенталь" халқаро савдо уйи мустақил ҳуқуқий шахс сифатида "Алиса" системасига кирди.
"Алиса" - бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг йирик индустриал шаҳарларидаги 27 биржа ва савдо уйларида; бу - маҳсулотлар учун ягона маълумотлар банкидир; маблағларни жойлаштириш учун ягона маълумотлар банкидир; фойдали келишувлар учун замин яратадиган ягона кафолатдир; дистрибуцияларнинг мутлақ ягона тармоғидир.

"Осиё-Континенталь" Халқаро Савдо уйи Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизстон Республикаларида минтақалараро ва тармоқлараро тижорат ахборотлари билан алмашиш "РИКО" системасидан эксклюзив фойдаланиш ҳуқуқига эга.

"РИКО" системасининг минтақалараро маркази таркибига Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигининг 80-дан ортиқ ўлка ва вилоятларида саноат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, тиббиёт анжомларини ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар кирди!
Уларнинг ҳар бири олди-сотдилар, у ёки бу ишни бажариб бериш, кооперация соҳасида, ҳамкорликда иш юритиш хусусидаги ва шунга ўхшаш Сизларнинг барча буюртмаларингизни бошқа ҳудудлардаги корхоналар ва ташкилотларга тез, соз ва мукамал ҳолда етказиб беради.

Ва буларнинг барчаси воситачиларсиз амалга оширилади!

Ва буларнинг ҳаммасини "Осиё-Континенталь" амалга оширади!

Барчангизни "РИКО" системаси билан уйғунликда фаолият кўрсата оладиган минтақалараро, тармоқлараро ва халқаро системаларни ташкил этиш учун ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

"ОСИЁ-КОНТИНЕНТАЛЬ" - рақобатдан ташқарида!

"ОСИЁ-КОНТИНЕНТАЛЬ" - бу йирик бизнес учун дарвозадир.

"ОСИЁ-КОНТИНЕНТАЛЬ" - бу ривожланган бозор учун равон йўлдир.

ВА БУ ФАҚАТ БОШЛАНИШИ...

БИЗ ИШБИЛАРМОН ВА ҒАЙРАТЛИ ЁШЛАРНИ МАҲСУЛОТ СЕКЦИЯЛАРИ ВА МАКЛЕРИАТДА, ШУНИНГДЕК, ЁШ ВА ЖОЗИБАЛИ ДИЛБАР ХОНИМЛАРНИ ХСУНИНГ РЕКЛАМА-АҲБОРОТ БЎЛИМИДА ИШЛАШ УЧУН ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-16-54, 76-54-10.

ФАКС: 767515.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЭНГЕЛЬС КЎЧАСИ, 13-УЙ. ОКРУГ ЗОБИТЛАР УЙИ. 5, 59-ХОНАЛАР.

БИЗ СИЗЛАРГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Сизга омад ёр бўлсин, жаноблар!